

**Ходимларнинг алоҳида лавозимлари ва касблари бўйича иш ҳақи
танланма статистика кузатуви бўйича услубий низом**

*Мазкур Услубий қўлланмага Давлат статистика
қўмитасининг 2022- йил 21- октябрдаги 38-сон қарори
билан ўзгартириш киритилган*

Ходимларнинг алоҳида лавозимлари ва касблари бўйича иш ҳақи танланма статистика кузатуви бўйича услубий низом (кейинги ўринларда – Услубий низом) ходимларнинг лавозимлари ва касблари бўйича иш ҳақи статистика кузатувини ўтказиш тартибини белгилайди. Ушбу кузатув йилда бир марта, апрель ойи учун 1-йи shakli “Ходимларнинг лавозимлари ва касблари бўйича иш ҳақи тўғрисида ҳисобот” давлат статистика ҳисоботи (кейинги ўринларда – 1-йи статистика ҳисоботи) орқали амалга оширилади.

1-йи статистика ҳисоботи шакли Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан белгиланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда лавозимлар ва касблар тоифалари бўйича ходимлар иш ҳақининг статистика кузатувини олиб бориш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу ҳисобот орқали лавозимлар ва касблар тоифалари бўйича ходимлар иш ҳақи динамикаси тўғрисида расмий статистика маълумотларни олиш кўзда тутилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Услубий низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони – мазкур корхона, ташкилотда меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган, иш ҳақи ҳисобланган ходимларнинг ўртача сони;

жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар – мазкур корхона, ташкилотда меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларга тўлаш учун ҳисобланган пул маблағлари бўлиб, тўлов ҳужжатларига мос ҳолда тўлаш учун ҳисобланган пул маблағлари киради ва Солиқ кодексининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги

даромадлар тўғрисидаги моддаларига асосан шакллантирилади. Бунда кўрсатилган суммалар қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа ушланмаларни чегириб ташлашларсиз олинади;

устама, рағбатлантириш хусусиятига эга тўлов, компенсация ва бошқа қўшимча тўловлар – юридик шахснинг рағбатлантириш тўғрисидаги тартибга асосан, доимий равишда тўланадиган устама, рағбатлантириш хусусиятига эга тўлов, компенсация ва бошқа қўшимча тўловлар.

ҳақиқатда ишланган иш вақти – ходимнинг ҳақиқатда меҳнатга сарфлаган иш вақти давомийлиги.

2-боб. Кузатувни ўтказиш ва танланма кузатув жамланмасини шакллантириш тартиби

2. Маълумотлар юридик шахс ва уларнинг алоҳида бўлинмаларидан ягона методология асосида йиғиб олинади ва касблар гуруҳлари, вилоятлар кесимида шакллантирилади. Олинган маълумотлар касблар гуруҳлари бўйича битта ходимга тўғри келадиган ўртача иш ҳақи, ходимларнинг тоифалари бўйича ҳақиқатда ишлаган иш вақти, лавозимлар ва касблар бўйича таққослама таҳлил қилиш, бандлик бўйича кўрсаткичларни гендер нуқтаи назаридан ҳисоблаш ҳамда халқаро таққослаш учун ишлатилади.

3. Апрель ойи учун 1-йи статистика ҳисоботи Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари томонидан ҳудудий статистика органларига электрон шаклда тақдим этилади. Кузатилиши лозим бўлган корхоналар рўйхати 1-mehnat shakli (йиллик) “Меҳнат ҳисоботи”ни топширадиган корхоналар рўйхатига асосан вилоятлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича шакллантирилади. Танланма кузатув жамланмасини шакллантириш тасодифий танлаш усулида аниқланади.

4. 1-йи ҳисоботи икки бобдан иборат:

1-боб “Мазкур корхона, ташкилотда меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлган, апрель ойида ҳақиқатда ишлаган, ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони”;

2-боб “Апрель ойида ҳақиқатда ишлаган алоҳида ходимлар бўйича маълумотлар”.

3-боб. Мазкур корхона, ташкилотда меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлган, апрель ойида ҳақиқатда ишлаган, ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони бобини тўлдиришнинг услубий асослари

5. Ҳисобот шакли апрель ойида ҳақиқатда тўлиқ иш кунларида ишлаган ходимлар тўғрисида корхона, ташкилот бўйича умумий кўрсаткичларни ўз ичига олади. Мазкур корхона, ташкилотда меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлган, апрель ойида ҳақиқатда тўлиқ иш кунларида ишлаган ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сонига қуйидагилар:

- иш жадвалига мувофиқ апрель ойига белгиланган иш кунлари ёки иш соатларида ишлаганлар;

- апрель ойида ушбу ташкилотда иш ҳақи сақланиб қолган, хизмат сафарларида бўлганлар киритилади.

Мазкур корхона, ташкилотда меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлган, апрель ойида ҳақиқатда тўлиқ иш кунларида ишлаган ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сонига қуйидагилар киритилмайди:

- бошқа ташкилотлардан ўриндошлик (ташқи ўриндошлар) асосида ишга қабул қилинганлар;

- фуқаролик-ҳуқуқий ёки бошқа тусдаги тузилган шартномалар бўйича иш бажарувчилар;

- апрель ойида тўлиқ ишламасдан ишга қабул қилинганлар ва ишдан кетганлар;

- апрель ойида вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлганлар;

- ҳомиладорлик ва туғруқ таътилида ёки бола тарбияси таътилида бўлганлар;

- касбий тайёргарликдан ўтган, касб эгаллаш мақсадида шартнома тузганлар (ўқувчилар);

- меҳнат шартномаси (контракт)га мувофиқ тўлиқ бўлмаган иш кунларида ишлаганлар;

- ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ тўлиқ бўлмаган иш кунларида ишлаганлар;

- иш берувчининг айби билан ҳамда иш берувчи ва ишчи ходимларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ишламаганлар;

- иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътилида бўлганлар;

- уйда касаначилик билан шуғулланувчилар;

- иш ҳақи тўланадиган йиллик меҳнат таътилида бўлганлар (апрель ойининг барча кунлари ёки қисман);

- ўқув ва бошқа таътиллarda бўлганлар;

- апрель ойида ишга сабабсиз келмаган кунлари мавжуд бўлган ходимлар;

- ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, масалан, давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш сабабли, бир ёки ундан кўп кун ишламаганлар.

6. Мазкур корхона, ташкилотда меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлган, ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- раҳбарлар;

- мутахассислар;

- техник ходимлар;

- хизмат кўрсатувчи ходимлар;

- ишлаб чиқариш ходимлари.

Ходимларни тоифалар бўйича тақсимлашда, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2021-йил 6-майдаги 05-1288-сонли қарори билан тасдиқланган “Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори” (кейинги ўринларда–ХАЛИКК–2020) давлат стандарти ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2003-йил 9-декабрда 1288-сон билан рўйхатга олинган “Бошқарув ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатиш, техник ходимлари мансаб лавозимлари номенклатураси (номланиш рўйхати)”дан фойдаланилди.

4-боб. Апрель ойида ҳақиқатда ишлаган, алоҳида ходимлар бўйича маълумотлар бобини тўлдиришнинг услубий асослари

7. Апрель ойида ҳақиқатда тўлиқ иш кунларида ишлаган, алоҳида ходимлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ходимларнинг лавозимлари, касблар номлари ХАЛИКК–2020 га мувофиқ;

- машғулотларнинг миллий стандарт классификатори (ММСК) бўйича касб (лавозим) коди (тўрт хонали код);

- жинси;

- апрель ойи учун жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари:

- ишбай баҳоларда, тариф ставкалари ва лавозим оклади бўйича;
- устама, рағбатлантириш хусусиятига эга тўлов, компенсация ва бошқа қўшимча тўловлар;
- апрель ойида ҳақиқатда ишланган иш вақти;
- ходимлар тоифалари коди (1-раҳбарлар, 2-мутахассислар, 3-техник ходимлар, 4-хизмат кўрсатувчи ходимлар, 5-ишлаб чиқариш ходимлари).

8. Кузатув ва танловга тушадиган алоҳида ходимларни аниқлаш учун тизимли саралаш қўлланилади. Танловнинг бошланиши тасодифий аниқланиб, ҳар бир ходим учун нолга тенг бўлмаган эҳтимоллик киритилади. Индивидуал кузатувга (танловга) тушадиган ходимлар сони 1-бобнинг 101-сатрида кўрсатилган апрель ойида ҳақиқатда тўлиқ иш кунларида ишлаган ходимлар сонига боғлиқ бўлиб, апрель ойида ҳақиқатда тўлиқ иш кунларида ишлаган ва қуйида келтирилган жадвалга мувофиқ индивидуал кузатувга (танловга) тушадиган 64 кишидан ортиб кетмайди.

**Индивидуал кузатув (танлаб олиш)га тушган ходимлар сони
ва апрель ойида тўлиқ ишлаган ходимлар сони бўйича мувофиқлик
жадвали**

(киши)	
Апрель ойида тўлиқ иш кунларида ишлаган ходимлар сони, 101-сатр (M_i)	2-бобда танланиши ва кузатилиши лозим бўлган ходимлар сони (V_i)
16 гача	Барча ходимлар киритилади
16-49	8
50-99	12
100-249	16
250-499	20
500-699	24
700-999	32
1000-1499	40
1500-1999	48
2000-3999	56
4000 ва ундан кўп	64

Юқоридаги жадвал асосида индивидуал кузатув(танлов)га тушадиган ходимларнинг рўйхати тузилади. Рўйхат апрель ойида тўлиқ иш кунларида ишлаган ходимларнинг исмлари (ёки табель рақамлари) бўйича қуйидаги кетма-кетликда тузилади: раҳбарлар, мутахассислар, техник ходимлар, хизмат кўрсатувчи ходимлар, ишлаб чиқариш ходимлари.

Танлов оралиғи (S_i) 101-сатрда кўрсатилган ходимлар сонига ва 2-бобда кўриб чиқилиши керак бўлган ходимлар сонига мувофиқ қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$S_i = \frac{M_i}{V_i}$$

бу ерда, M_i - 101-сатрда кўрсатилган ходимлар сони;

V_i - кузатилиши керак бўлган (ходимлар сонидан келиб чиқиб, индивидуал кузатувга (танловга) тушган апрель ойида тўлиқ иш кунларида ишлаган) ходимлар сони.

Танловга киритилиши керак бўлган биринчи ходим (тасодифий рақам) аниқланади. Ушбу рақам танловнинг бошланиши (S_{n1}) бўлиб, 1 дан танлов оралиғи (S_i) интервалида аниқланади.

Кейинги барча рақамлар қуйидагича танланади:

- иккинчи танлов рақами (S_{n2}) ни аниқлаш:

$$S_{n2} = S_{n1} + S_i$$

- учинчи танлов рақами (S_{n3}) ни аниқлаш:

$$S_{n3} = S_{n1} + 2 * S_i$$

- қолган танлов рақамлари ҳам шу тартибда аниқланади.

Танланган рақамлар жами танланиши ва кузатилиши лозим бўлган ходимлар сони (V_i) дан кичик ёки тенг бўлади.

Агар аниқланаётган ходимлар сони (101-сатр) 16 дан кичик бўлса, танловга барча ходимлар тўлиқ киритилади.

Индивидуал кузатувга тушадиган ходимларнинг тартиб рақами ($[S_{n1}]$, $[S_{n2}]$, $[S_{n3}]$...) ни аниқлаш учун, ҳосил бўлган ўнлик соннинг бутун рақами олиниб, вергулдан кейинги рақам ташлаб юборилади

Танланган ходимлар шаклининг 2-бобига қуйидаги кетма-кетликда ёзилади: раҳбарлар, мутахассислар, техник ходимлар, хизмат кўрсатувчи ходимлар, ишлаб чиқариш ходимлари.

Танлов натижаларини текшириш:

- ҳар бир тоифа бўйича танлаб олинган ходимлар сони ходимларнинг умумий сонига ҳар бир тоифа бўйича тахминан мутаносиб бўлиши керак;

- агар 1- бобда 102 дан 106 гача барча сатрлар тўлдирилган бўлса, у ҳолда ходимлар бешта тоифанинг ҳар биридан танланиши зарур.

Агар тоифалардан бири танланмаган бўлса (масалан, S_i ушбу тоифадаги ходимлар сонидан ошиб кетган бўлса), танланган ходимлар рўйхатига ушбу тоифадаги ходимлардан 1-2 кишини қўшиш керак (танланган ходимларнинг умумий сонига қўшимча).

9. Агар ходим (ички ўриндош) ташкилотда икки хил лавозимни бирга олиб борса, унда 2-бобда у тўғрисидаги маълумотлар фақат асосий лавозим бўйича берилади.

10. 2-бобда апрель ойи учун иш ҳақи кўринишидаги жисмоний шахсларнинг ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари қуйидагиларни ўз ичига олмайди: йил давомида бажарилган ишлар натижалари бўйича мукофотлар, бир марталик мукофотлар ва рағбатлантиришлар, шу жумладан совғалар қиймати, таътил учун моддий ёрдам, реабилитация учун бир марталик тўловлар (имтиёзлар), фойдаланилмаган таътил учун компенсация, шунингдек, бир марталик характердаги бошқа тўловлар, имтиёзли нархларда ёки бепул овқатланиш харажатларини ўз ичига олмайди.

Ҳисобланган чораклик мукофотларнинг учдан бир қисми қўшилади.

11. Ишбай баҳоларда, тариф ставкаси, лавозим окладлари асосида тўловлар бу – ҳақиқатда бажарилган иш учун, корхона (ташкилот)да қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб ёзилган иш ҳақидир (устама, рағбатлантириш хусусиятига эга тўлов, компенсация ва бошқа қўшимча тўловларсиз).

12. Устама, рағбатлантириш хусусиятига эга тўлов, компенсация ва бошқа қўшимча тўловлар, яъни мунтазам равишда тўлов шаклига эга бўлган илмий ва фахрий даража учун, рағбатлантирувчи, юридик шахснинг низомида белгиланган мукофотлар (қўшимча ҳақлар), касбий маҳорат учун устама, устозлик учун устама, кўп йиллик хизмати учун мукофот ва тўловлар, Солиқ кодексига асосан бошқа тўловлар акс эттирилади.

Устама, рағбатлантириш хусусиятига эга тўлов, компенсация ва бошқа қўшимча тўловларга киритилмайди, яъни бир йўла бир неча касб (лавозим)да ишлаётгани учун, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтирилиши (бажарилаётган иш хажмининг кўпайиши), меҳнат шартномаси билан белгиланган давлат байрамларида, байрам (иш кунидан ташқари) ва дам олиш кунлари ишлагани, иш вақтидан ташқари вақтда, фойдаланилмаган меҳнат таътили учун компенсация, ишдан ажралмаган ҳолда вақтинчалик ишда йўқ ходимнинг мажбуриятларини бажаришга, иш вақтидан ташқари вақтда давлат ёки жамоат топшириқларини бажаришга тўланган компенсация, ходимларга индивидуал ва бир марталик характердаги юритиладиган бошқа шахсий қўшимча ва устамалар.

13. Амалда ишланган иш вақти, тегишли ходим томонидан апрель ойида ҳақиқатда ишланган иш вақти, иш вақтидан ташқари ва дам олиш (ишланмайдиган) вақтда ва дам олиш кунларида сарфланган (жадвалга мувофиқ), шу ташкилотда асосий иш фаолиятидан ташқари ўриндошлик ишида ҳамда хизмат сафарида сарфланган вақтни қўшган ҳолда, ҳақиқатда меҳнатга сарфланган соатлар киритилади.

Ходим билан иш берувчи ўртасида меҳнат шартномаси (контракт)га асосан иш вақти давомийлиги белгиланади. Ишланган иш вақти бўйича маълумотлар, ходимларнинг ишлаган иш вақтини ҳисобга олиш кўрсаткичларига асосан тўлдирилади.

Ишланган иш вақти сонига қуйидагилар киритилмайди: маъмурият ташаббуси билан йиллик, қўшимча ва ўқув таътилида бўлган даври, касаллик даври, ички сменалик туриб қолиш даври, аёлларнинг бола эмизиш учун ишда қўшимча танаффуслар даври, қонунчиликда белгиланган қисқартирилган иш вақти давомийлигига эга бўлган ходимлар тоифасининг қисқартирилган иш вақти даври, бошқа ҳолларда иш ҳақи сақланганлиги ва сақланмаганлигидан қатъий назар ходимнинг иш жойида бўлмаган даври (иш вақтида хизмат сафарида бўлганлардан ташқари).

5-боб. Якуний қоидалар

14. Худудий статистика органлари 1-йил ҳисоботини тақдим этган корхоналар маълумотларини қайта ишлаш натижаси бўйича жадвал кўринишидаги жамланма маълумотларни шакллантиради, таҳлил қилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига тақдим этади.

Давлат статистика қўмитаси томонидан кўрсаткичлар қуйидаги тартибда: ҳудудлар, касблар гуруҳлари ва жинси бўйича шакллантирилади.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
3. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2021 йил 6 майдаги 05-1288-сон “Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида” қарори.
4. Россия Федерацияси Иқтисодий ривожлантириш вазирлиги Давлат статистикаси федерал хизматининг 15.07.2019 йилдаги 404-буйруғи билан тасдиқланган “Лавозимлар ва касблар бўйича ходимларнинг иш ҳақи тўғрисида маълумот” федерал статистика кузатуви шаклини тўлдириш бўйича тушунтиришлар.
5. Беларусь Республикаси Миллий статистика қўмитаси қарори билан тасдиқланган “Лавозимлар ва касблар бўйича ходимларнинг иш ҳақи тўғрисида танланма давлат статистика кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича йўриқнома” (28.07.2014 йилда 123 – сон қарор билан тасдиқланган, 13.06.2016 йилда 68-сонли ва 14.06.2019 йилда 30-сонли қарор билан ўзгартиришлар киритилган).

**Индивидуал кузатувга (танлов) га тушадиган
ходимларни танлаб олиш учун
ШАРТЛИ МИСОЛ**

Ташкилот томонидан тақдим этилган 1-й статистика ҳисоботининг 101-сатрида кўрсатилган ходимлар сони 125 кишини ташкил этади. Индивидуал кузатув (танлаб олиш)га тушган ходимлар сони ва апрель ойида тўлиқ ишлаган ходимлар сони бўйича мувофиқлик жадвалига (Услубий низомнинг 8 пункти) мувофиқ, 16 киши танловга (V_i) тушиши керак.

Танлов оралиғи $S_i = 7,8$ ([100-249] $M_i = 125$, $V_i = 16$, $S_i = \frac{M_i}{V_i} = 125/16 = 7,8$). Тоифалар бўйича ходимлар сони 1 дан 7,8 гача интервал оралиғида аниқланади (танлов оралиғи). Масалан, танланган тасодифий рақам (S_{n1}) 3 га тенг бўлсин. Демак, мавжуд рўйхатдаги раҳбарлар гуруҳидан танловга биринчи бўлиб 3-рақамда турган ходим киритилади. Кейинги барча рақамларни аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

$$S_{n2} = S_{n1} + S_i = 3 + 7,8 = 10,8,$$

$$S_{n3} = S_{n1} + 2 * S_i = 3 + 2 * 7,8 = 18,6,$$

$$S_{n4} = S_{n1} + 3 * S_i = 3 + 3 * 7,8 = 26,4,$$

... ..

$$S_{n16} = S_{n1} + 15 * S_i = 3 + 15 * 7,8 = 120,0$$

1-жадвалда келтирилган мисол бўйича, аниқланаётган рақамлардан бири рўйхатдаги охириги ходимнинг тартиб рақамидан катта бўлса, танлов тўхтатилади. Индивидуал кузатувга (танловга) тушадиган ходимларнинг тартиб рақамини аниқлаш учун, ҳосил бўлган ўнлик соннинг бутун рақами олиниб, вергулдан кейинги рақам ташлаб юборилади.

Ҳаммаси бўлиб, 16 киши танлаб олинди. Танлаб олинган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар статистика ҳисобот шаклининг 2-бобида қуйидаги кетма-кетликда тўлдирилади: раҳбарлар, мутахассислар, техник ходимлар, хизмат кўрсатувчи ходимлар, ишлаб чиқариш ходимлари.

**Индивидуал кузатиладиган ходимларни танлаб олиш учун
шартли корхона мисолида намуна**

1-жадвал

Ходимлар тоифаси номи	Апрель ойида тўлиқ ишлаган ходимлар сони, 101-сатр (M_i)	Ходимлар -нинг тартиб рақами	Танлаш натижасида олинган рақамлар тўплами (S_{n1}, S_{n2}, S_{n3} ...)	Танловга киритилган ходимларнинг тартиб рақами ($[S_{n1}], [S_{n2}], [S_{n3}]$...)	Танланган ходимлар сони (V_i)
2	1	3	4	5	6
Раҳбарлар	13	1 2 3 : 13	3 (танлов боши) 10,8	3 10	2
Мутахассислар	31	14 : 18 : 44	18,6 26,4 34,2 42,0	18 26 34 42	4
Техник ходимлар	12	45 : 56	49,8	49	1
Хизмат кўрсатувчи ходимлар	16	57 : : 72	57,6 65,4	57 65	2
Ишлаб чиқариш ходимлари	53	73 : 77 : : 100 : 125	73,2 81,0 88,8 96,6 104,4 112,2 120,0	73 81 88 96 104 112 120	7
Жами	125				16